

А ж р и м

(жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш ҳақида)

2025 йил 10 январь куни жиноят ишлари бўйича Қумқўрғон туман судининг очик сайёр суд мажлиси Қумқўрғон туманидаги Бешқаҳрамон маҳалласида бўлиб, шу суднинг раиси Б.Тагаевнинг раислигида, судья ёрдамчиси М.Қурбонованинг котиблигида, тарафлардан Қумқўрғон туман прокурори ёрдамчиси Ф.Зикиров, Қумқўрғон туман ИИБ ЖХХ Пробация гуруҳи инспектори А.Қосимовнинг иштирокида, Қумқўрғон туман ИИБ маъмуриятининг маҳкум А.Давлатовга нисбатан тайинланган ахлоқ тузатиш иши жазосининг ўталмаган қисмидан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш тўғрисидаги тақдимномасини кўриб ва маҳкумнинг № 1-3-1908-2501/4-сонли йиғма жилдини ўрганиб чиқиб, қуйидагиларни

а н и қ л а д и :

Давлатов Аббос Бозор ўғли, 1996 йил 24 март куни Қумқўрғон туманида туғилган, миллати ўзбек, маълумоти ўрта, бўйдоқ, Ўзбекистон фуқароси, муқаддам судланган, Қумқўрғон тумани, Хунармандлар маҳалласида яшайди.

Жиноят ишлари бўйича Қумқўрғон туман судининг 2023 йил 18 сентябрь кунидаги ҳукмига асосан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 277-моддаси 2-қисмининг “а,б” бандлари билан айбли топилиб 2 йил озодликни чеклаш жазоси тайинланган.

Жиноят ишлари бўйича Қумқўрғон туман судининг 2024 йил 2 февралдаги ажрими билан Жиноят кодекси 48¹-моддасига асосан ўталмаган 1 йил 7 ой 27 кун озодликни чеклаш жазоси шу муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосига алмаштирилган.

Жиноят ишлари бўйича Шеробод туман судининг 2024 йил 2 июлдаги ажрими билан Жиноят кодекси 74-моддаси 3-қисмининг “а” бандига асосан ўталмаган 1 йил 2 ой 27 кун озодликдан маҳрум қилиш жазоси шу муддатга ахлоқ тузатиш иши жазосига алмаштирилган.

Тайинланган жазонинг : 5 ой 25 куни ўталган,
9 ой 2 куни ўталмаган.

Қумқўрғон туман ИИБ бошлиғи тақдимнома билан мурожаат қилиб маҳкум А.Давлатовни тайинланган озодликни чеклаш жазосини ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилишни сўраган.

Маҳкум А.Давлатовнинг йиғма жилдида тўпланган ҳужжатларга кўра, унинг ижобий томондан тавсифланиши, жазони ўташ даврида меҳнатга ҳалол муносабатда бўлганлиги, белгиланган тартиб-қоида талабларига тўлиқ риоя қилганлиги, озодликни чеклаш жазосини ҳақиқатда ўтаб келаётганлиги, интизомий ёки маъмурий жазога тортилмаганлиги ва содир этган қилмишидан



пушаймон бўлиб, ўзининг ижобий хулқи билан тўғри йўлга тушганлиги қайд этилган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 73-моддаси 3-қисмининг “а” бандида маҳкум ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жинояти учун суд тайинлаган жазо муддатининг камида учдан бир қисмини ҳақиқатда ўтаб бўлганидан кейин жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиниши, шахс ижро этилмаган қўшимча жазодан ҳам озод этилиши кўрсатилган.

Шунга кўра, суд маҳкум А.Давлатовга тегишли йиғма жилд ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, туман ИИБ ЖХХ Пробация гуруҳи инспектори А.Қосимов ва прокурор ёрдамчисининг илтимосномани қаноатлантириш ҳақидаги фикрларини тинглаб, маҳкумнинг шахси ижобий тавсифланишини, жазо ўташ даврида меҳнатга ҳалол муносабатда бўлиб келганлигини, жазони ўташ тартиб-қоидаларига тўлиқ риоя қилганлигини, интизомий жазо олмаганлигини, содир этган жиноятдан ўзига тегишли хулоса чиқариб олганлигини, ўз хулқи билан тўғри йўлга тушганини кўрсатганлигини, қилмишидан пушаймонлигини ҳамда суд томонидан тайинланган жазонинг учдан бирини ҳақиқатда ўтаб бўлганлигини инобатга олиб, Қумқўргон туман ИИБнинг тақдимномасини қаноатлантиришни лозим топади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси 536, 541-моддаларини қўллаб, суд

а ж р и м қ и л д и :

Қумқўргон туман ИИБ бошлигининг тақдимномаси қаноатлантирилсин.

Маҳкум Давлатов Аббос Бозор ўғлини ўталмай қолган иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромадига ушлаб қолган ҳолда 9 (тўққиз) ой 2 (икки) кун ахлоқ тузатиш иши жазосидан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 73-моддаси 3-қисмининг “а” бандига асосан муддатидан илгари шартли равишда озод қилинсин.

Ажримни ижро қилиш Қумқўргон туман ИИБ зиммасига юклатилсин.

Маҳкум А.Давлатовга Жиноят кодекси 73-моддасининг 10-қисмида назарда тутилган жазони ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиниб, жазони ўталмаган қисми мобайнида қасддан янги жиноят содир этган шахсга нисбатан суд ушбу Кодекснинг 60-моддасига мувофиқ жазо тайинланиши тушунтирилсин.

Ажримдан норози томонлар ўн кунлик муддат ичида шу суд орқали Сурхондарё вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига апелляция тартибида, ажрим қонуний кучга киргандан сўнг эса кассация тартибида шикоят келтиришга ёки прокурор протест келтиришга ҳақли.

Раислик қилувчи

Б.Тагаев

